



Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан Узун туманида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди




Бугун, 25 октябр куни Узун тумани ҳокимлиги биноси залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиянинг вилоятда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ва Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2022 йил 2 мартағи “Вилоятда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш тўғрисида”ги VI-44-54-8-0-К/22-сонли қарорининг Узун туманидаги ижроси юзасидан йиғилиш ўтказилди.




Йиғилишни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибияти мудири С Б Абдураимов олиб бориб, жорий йилда янги иш ўринларини яратиш, амалиётда дуч келинаётган камчиликлар ва хатоликлар ҳақида сўз юритди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш ўринларини яратишда соҳтакорликка йўл қўйилаётганлиги жиддий танқид остига олинди.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни туман кесимида назорат қилиб бориш учун халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари маҳаллаларга бириткирилди



Шунингдек, йиғилишда Халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши котибияти (Ү.Ражабов) га ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар тумандар янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига маълумот тақдим этиб бориш вазифаси юклатилди.



Узун туман ҳоқимлиги Ахборот хизмати